

ШАРҚ ЭКЗИСТЕНЦИАЛ АДАБИЁТИ

УЧЛИК САЛТАНАТИ



ЛАО ШЭ

МУШУКЛАР ШАҲРИ
ХОТИРАЛАРИ



КОБО АБЕ

ХУДДИ ОДАМДЕК



ЛИ МУН ЁЛЬ

ОЛТИН ҚАНОТЛИ ҚУШ

Гафур Гулом номидаги нашриёт-матбаа ижодий уйи
Тошкент – 2016

УЎК 821 (100)
КБК 84 (0)9
У-91

Таржимон – Эркин Эрназаров

Шарқ экзистенциал адабиёти: учлик салтанати / Сўз-боши муаллифи ва тўпловчи профессор **А.Х.Саидов**. – Тошкент.: Гафур Ғулом номидаги нашриёт-матбаа ижодий уйи, 2016. – 340 б.

Инсоннинг тақдири, унинг умидлари ва ишончи, яшашдан мақсади бадиий тадқиқ марказига қўйилган экзистенциализм XX аср жаҳон адабиётининг муҳим йўналишларидан биридир. 1920–йилларнинг бошида Европада шакллана бошлаган ушбу адабий услуб Иккинчи жаҳон урушидан кейин Шарқ ёзувчилари томонидан ҳам кенг қўлланила бошланди. Ҳозирга қадар Ўзбекистонда экзистенциализм услубида фақат Ғарб ёзувчиларининг асарлари нашр этилиб келинган. Илк бор мамлакатимиз китобхонларига Шарқ экзистенциал адабиётининг таъниқли намояндалари – хитойлик Лао Шэнинг “Мушуклар шаҳри хотиралари” романи, япониялик Кобо Абэнинг “Худди одамдек”, жанубий корейлик Ли Мун Ёлнинг “Олтин қанотли қуш” қиссалари ушбу бир тўпламда тақдим этилмоқда.

УЎК 821 (100)
КБК 84 (0)9

© Э.Эрназаров (таржимон).
© Гафур Ғулом номидаги
нашриёт-матбаа ижодий
уйи, 2016

ISBN 978-9943-03-867-7

ИНСОНПАРВАРЛИК ТИМСОЛИ

Экзистенциализм XX аср жаҳон адабиётининг муҳим йўналишларидан бири сифатида эътироф этилгани бежиз эмас. У даставвал борлиқ фалсафаси сифатида шаклланган ва Биринчи жаҳон урушидан сўнг, 20-йилларнинг бошида Германияда шакллана бошлаган. Ушбу йўналиш сарчашмасида машҳур немис файласуфлари М. Хайдеггер ва К.Ясперс турган.

М.Хайдеггернинг “Борлиқ ва вақт”, “Фундаментал антология”, К. Ясперснинг “Даврнинг руҳий вазияти” асарларида экзистенциализмнинг мазмун-моҳияти очиб берилганки, у инсоннинг техникага қарамлигини рад этиб, ҳар қандай мослашувчанликка қарши исён кўтаради. Ушбу фалсафа негизига инсоннинг тақдири, умид ва ишончи, яшашдан мақсади етакчи ўринга қўйилган. Шу нуқтаи назардан ҳар бир инсон ноёб мавжудот, у туғма эркинлик ва мустақилликка эга, ўзи яшаётган маконда, кўпинча бемаъни муҳитда ҳамиша ҳаётининг асл мақсадини излайди. Аммо яшашдан чинакам мақсад инсонга улкан ларзалар даврида – ўлимга тик қарашга тўғри келганда, бедаво хасталикка учраганда, кечириб бўлмайдиган гуноҳ қилган лаҳзаларида англаб етилади. Бунда ҳар бир одам ўзи учун, ўз амалларига ва қилмишларига шахсан жавобгар ҳисобланади. Шунинг учун К. Ясперс “Экзистенциализм – бу инсонпарварлик!” деб хитоб қилган.

Бу фалсафанинг ғоялари рус ёзувчиси Ф.М.Достоевский, даниялик адиб ва файласуф С.Кьеркегор ҳамда немис тилида ижод қилган ва Ф.Кafka асарларида ўз ифодасини топган. XX асрнинг иккинчи ярмида, айниқса 60-йилларда бу йўналиш Ғарб адабиётида етакчи ўринни эгаллаб, хусусан, Ж.П.Сартр, А.Камю ва бошқа машҳур ёзувчилар асарларининг марказий мавзусига айланган.

Экзистенциализм тез орада АҚШда, шунингдек, Шарқда ҳам оммалашиб, 80-йиллар бошида Хитойда Ғарб ёзувчиларининг машҳур асарлари кенг таржима қилиниб, чоп этила бошлагач, ушбу мамлакат китобхонлари бу йўналишдаги адабиётлар билан ўз она тилларида танишиш имкониятига эга бўлдилар. 1981 йилда Хитой Ижтимоий фанлар академиясининг шафелигида Ж.П. Сартр асарлари тўплами чоп этилди. Ушбу тўпланда Жан-Поль Сартр XX аср ғояларининг “улуғвор ҳайкали” деб таърифланган. Шунингдек, Ф. Кафка ва А. Камю ҳақида эсселар, улар асарларининг хитой тилидаги таржималари чиқа бошлаган.

XIV асрда ижод қилган хитой адиби Ло Гуаньчуннинг «Саньгочжи яньи» (“Уч салтанатлик”) асаридаёқ муайян даражада экзистенциализм белгиларини кўриш мумкин. Унда III асрда Хань сулоласи ҳукмронлиги қулаганидан кейин уч салтанат: Вэй, У ва Шу давлатлари ўртасидаги ўзаро урушларнинг инсон тақдирига фожиали оқибатлари қаламга олинган. Муаллиф Хитой халқининг қахрамонона тарихини мадҳ этгани ҳолда биродаркушликни лаънатлаб, инсонпарварлик ғояларини мадҳ этади.

Хитой китобхонларни ларзага солган Цао Сюэцин қаламига мансуб “Хунлоумин” (“Қизил кўшқдаги туш”) романини ҳам шу турдаги адабиётлар сирасига қўшиш мумкин. Унда бир неча юз образлар гавдалантирилган бўлиб, уларнинг ҳар бирининг тақдири бевосита мамлакатдаги сиёсий ва ижтимоий ҳаётни, оддий кишиларнинг машаққатли турмушини ёрқин ифодалаган. Шунинг учун ушбу асар ҳақида ҳамма – оддий халқ ҳам, юқори даражадаги амалдорлар ҳам гапиришган, муҳокама қилишган. Бу эса унинг қайта-қайта нашр этилишига сабаб бўлган.

Ҳозирги давр Хитой адабиётининг шаклланишида ҳам экзистенциализмнинг таъсирини ҳис этиш мумкин. XX аср 70-йилларининг охири ва 80-йилларининг бошида ХХРги даҳшатли воқеаларни бадиий тадқиқ этишга йўналтирилган “Синь шици сяшо” (“Янги давр адабиёти”) худди шундан далолат беради. Мамлакат адиблари “маданий инқилоб”нинг шармандали воқеликларини тасвирлашдан аста-секин “сысян цзефан”га (“онгни озод қилиш”-

га) ўтганлар. Аввал тақиқланган хорижий маданият, шу жумладан, экзистенциализм адабиётига йўл очилган, ёзувчилар учун ман этиладиган мавзулар деярли қолмаган.

Хитойнинг “янги давр адабиёти” китобхонларни бу оқимнинг асосий ғояси – инсонпарварлик билан бевосита боғлиқ оламшумул муаммолар дадил кўтариб чиқиладиган асарлар билан ўзига жалб этди. XXI аср бошида – 2000 йилда Гао Синцзянга “ҳозирги дунёдаги инсоннинг аҳволига коинот аҳамиятига эга алам акс этган асарлари”, 2012 йилда Мо Янга “халқ эртаклари ва тарихни замонавийлик билан уйғунлаштирган ақл бовар қилмайдиган ҳаёлот реализми” учун адабиёт бўйича Нобель мукофотининг берилиши бунинг амалий ифодасидир.

Ўтган асрнинг 60-йилларида ўз ижодини бошлаган Гао Синцзянь ўнлаб насрий асарлар, пьеса ва поэмалар битган. Аммо ўша даврда уларни Хитойда эълон қилиб бўлмаслигини билган муаллиф барча қўлёзмаларини ёқиб юборган. Фақат 1982 йилдаги “Ташвиш сигнали” пьесаси кичкинагина театрда декорация ўрнига имо-ишоралар ишлатилиб саҳналаштирилган. Шундан кейинги “Автобус бекати” пьесаси тақиқланган.

Муаллифнинг “Ёввойи одам” пьесаси (1985) ҳам Хитойда баҳс-мунозараларга сабаб бўлиши унга чет элларда ҳам эътиборни тортган. Драматургнинг бу асарида экзистенциалистик қарашлар атроф-муҳит муаммоси нуқтаи назаридан таҳлил этилган. Ёввойи одамни излаш ва теша тегмаган ўрмонларни қийратиш замонавийликни таназулга юз тутқзади. Гао Синцзяннинг “Бошқа соҳил” пьесаси ҳам шахс ва жамият ўтасидаги муаммоларни кўтариб чиққани учун тақиқланган.

Мо Янь адабиётга XX аср 80-йиллари бошида кириб келган бўлиб, унинг биринчи қиссаси – “Усти қизил, ичи шаффоф турп”да қахрамон – табиатни нозик ҳис этадиган қишлоқлик етим бола тилидан ҳикоянинг жўнгина сатрлари муаллифнинг нафис тасвирлари билан уйғунлашиб, ўзига хос ранг-баранглик кашф этган.

Адибнинг 1986 йилда нашр этилган “Қизил гаолян” қиссаси Хитойнинг “Йилнинг энг яхши қиссаси” миллий мукофотига сазо-

вор бўлиб, унда 1930-йилларда Хитойда Япония босқинчиларига қарши уруш манзарасида бир оила қисмати ҳикоя қилинган. 1987 йилда эса Мо Янь ягона қахрамондан иборат, ўзи роман деб атаган “Қизил гаолян: оилавий сага” қиссалар туркумини чоп эттирган. 2000 йилда “Asiaweek” ҳафтаномаси уни XX асрдаги энг сара 100 та Хитой романи рўйхатига киритган. Мухтасар қилиб айтганда, адибнинг ҳозиргача 11 та роман, 20 та қисса ва 80 тадан ортиқ ҳикоялари нашр этилган.

Шуни таъкидлаш керакки, ҳозирга қадар Ўзбекистонда экзистенциализм услубида фақат Ғарб ёзувчиларининг асарлари нашр этилиб келинган эди. Илк бор Шарқ адабиётининг энг машҳур намояндаларидан ҳисобланган уч нафар адибнинг ушбу йўналишдаги асарлари мазкур бир тўпламда чоп этилиши қувончли ҳол. Бу адиблардан бири Лао Шэди. Ушбу тўпламдан унинг экзистенциализм услубида ёзилган “Мушуклар шаҳри хотиралари” романи ўрин олган.

Адиб эски услубдаги, асосан Конфуций матнларини ёдлашдан иборат бўлган хусусий мактабда ўқиб, сўнг педагогика билим юртида ўқишни давом эттирган. Билим юртини тугаллаши билан уни Пекиндаги бошланғич мактаблардан бирига директор этиб тайинлашган. Университетда ўқиб, инглиз тилини ўрганган ва бўлажак адиб 1924 йилда Англияга бориб, аввал Лондонда, кейин Оксфордда хитой тилидан дарс берган. 1926 йилда биринчи – “Муҳтарам Чжаннинг фалсафаси”, бир йил ўтгач, “Донишманд айтган” романи эълон қилган.

1937 йилда Япониянинг Хитойга бостириб кириши пайтида у ватанида яшаб, душманга қарши курашишни тарғиб этувчи “Охиригача қаршилик кўрсатиш” журналининг асарлари нашр этган. Ўзи “Умумхитой адабиёт ва санъат ходимларининг душман билан курашиш уюшмаси”га бевосита бошчилик қилган. Унинг камбағал оилада катта бўлганлиги ижодига бевосита таъсир кўрсатиб, асарларига асосан меҳнат кишилари, камбағалларни қахрамон этиб танлаган. Роман, ҳикоя ва пьесалари оғир қисматли, камситилган ва таҳқирланган кишиларнинг ночор ҳаётига чуқур ҳамдардлик билан суғо-

рилган. Хусусан, “Рикша” романининг қаҳрамони фақат ўз кучига ишонган ҳолда муҳтожликдан қутулиш учун адолатсиз тузум билан тенгсиз кураш олиб боради ва бу интилиши мағлубият билан тугайди. Асарда Лао Шэнинг таърифи билан айтганда: “инсонни туяга айлантирган”, уни маънавий тепкилаётган жамият фош этилади.

Ёзувчи мамлакат пойтахти – Пекинга бағишланган “Бир том остидаги тўрт авлод” трилогиясини яратиш устида иш олиб бориб, бу режасини тўлиқ амалга оширишга улгурмаган. Трилогиянинг икки романи: “Қўрқинч” ва “Ночорлик” босилиб чиққан, холос.

1932 йилда эълон қилинган “Мушуклар шаҳри хотиралари” адабнинг энг машхур танқидий памфлет-романидир. Ундаги воқеалар гўё одам-мушуклар яшайдиган Марсда бўлиб ўтади. Тўппонча ва гугуртга эга бўлган, фазовий кемалари ҳалокатга учраб ана шу сайёрага тушиб қолган ерлик киши бу мушуклар дунёсида энг қудратли шахсга айланади. Мушуклар шаҳри – ўзининг қадимий тарихи, маданияти ва шеърляти билан оғиз кўпиртириб мақтаниладиган, бироқ афюн дарахтларини етиштириш ва ҳукмрон олий табақаларнинг маънавий нопоклиги оқибатида таназзулга юз тутган давлатнинг пойтахтидир. Ушбу роман нақадар фантастик асар ҳисобланмасин, Мушуклар шаҳридаги воқеалар беихтиёр Хитойнинг XX аср биринчи чорагидаги нохуш вазиятларга ишора беради. Шунинг учун хитойлик танқидчилар Лао Шэдан мазкур асаридан воз кечишни талаб қилганлар.

Лао Шэнинг “Мушуклар шаҳри хотиралари”да гўёки хаёлот мамлакатлари, сайёралари ҳақида гап кетаётгандек туюлса-да, аслида у нозик, чуқур маъноли қочиримларга, ҳақиқий воқеликка яққол ишора қилади. И.В.Гёте бундан икки аср муқаддам “...шоирни англаш учун шоирнинг мамлакатига бориш керак”, деган эди. Буюк немис шоирининг ушбу ҳикматида курраи замиримиздаги инсон тафаккуридек аниқ ва мавжуд воқеликдан экзистенциализмнинг хаёлот дунёсига, бу ўзига хос дунёни тадқиқ этиш ва тушунишга олиб борадиган йўл кўрсатилган. Ана шу йўл алоҳида тамаддун ҳисобланган япон маданияти ва японларнинг миллий ўзлигини англашга ҳам хизмат қилади.

Ушбу оқимнинг яна бир вакили Кобо Абэ ҳисобланади. Япония энг қадимий анъаналар, айна пайтда Ғарб маданиятини ўзига фаол сингдираётган давлатдир. Шунинг учун кўпгина япон ёзувчилари асарларида ҳам ўтмиш ва замонавийлик, Шарқ ва Ғарб чорраҳасида пайдо бўладиган зиддиятларда туғиладиган янги-янги саволлар китобхондан чуқур мушоҳада талаб этади. Бу, айниқса, Япониянинг замонавий адабиётида, хусусан, кунчиқар мамлакатининг таниқли адиби Кобо Абэ асарларида ўз ифодасини топган. Унинг ижоди, энг аввало, бадий тасаввурининг ўзига хослиги, ривоят ва ҳаёлотнинг бугунги кун воқелиги билан ноёб шаклларида чирмашиб кетганлигида кўринади. Шуни алоҳида таъкидлаш жоизки, Иккинчи жаҳон урушидан кейинги даврда япон экзистенциализми етакчиларидан бўлган Кобо Абэнинг инсоннинг ҳали тадқиқ этилмаган ҳаёт қирралари бетакрор усулда кашф этилган ҳар бир асари фақат Япония адабий доиралари ва китобхонлари ўртасида жуда катта қизиқиш уйғотмасдан, балки жаҳоннинг жуда кўп мамлакатлари ўқувчиларининг эътиборини қозонган.

Кобо Абэ (Абэ Кимифуса, 1924 – 1993) Токио яқинидаги Кита шаҳрида, шифокор оиласида туғилиб, Манчжурияда мактабнинг ўрта босқичида таълим олган. 1940 йилда Японияга қайтиб келганидан сўнг Сёдзэ шаҳридаги олий босқич мактабини тугаллаб, Токио университетининг тиббиёт факультетида ўқиган. Ижодининг дастлабки босқичларидаёқ Кобо Абэ экзистенциалчи адиблар Ф.Кафка ва У.Фолкнер, шунингдек, Э.А.По, Л.Кэроллнинг кучли таъсирини яққол ҳис этган. Бунга унинг 1951 йилда эълон қилинган “Девор”. С.Карма жинояти” қиссаси Льюис Кэроллнинг машҳур “Алиса мўъжизалар мамлакатида” асари таъсирида ёзилганлиги, кафкача усулда битилган “Одам-қути” (1973), “Сакура” нажот кемаси” (1984) асарларини мисол қилиб кўрсатиш мумкин.

Японлар дунёси кўпинча нафис ва жимжимадор чизиқлар – иероглифлар тарзида тасаввур этилади. Бевосита худди шу тушунча Кобо Абэнинг адабий дунёсининг тимсоли деса муболаға бўлмайди: инсонпарварликка хос бу дунё ҳам сеҳрли ва сермаъно, ҳам жумбоқли, чигал, шу билан бирга тугал иероглиф дунёси, дейиш

мумкин. Масалан, адибнинг “Девор” қиссаси асар қаҳрамонининг ўз ташриф қоғозини йўқотиб қўйишидан бошланади. Муаллиф бу билан ўз қаҳрамони исм-фамилиясидан маҳрум бўлганлигини англантишга ҳаракат қилган. Умуман олганда, Кобо Абэ асарлари матнларига атайин яширин маънолар сингдирилган. “Девор”да ҳам ташриф қоғозининг йўқотилиши билан шахс жамиятдан бегоналаштирилишининг биринчи босқичига ишора қилинган. Яъни номсиз қаҳрамон жамиятга қарши қўйилган, аниқроқ айтиладиган бўлса, жамият рўйхатидан ўчирилган. Аммо воқеалар ривожига фақат бу билан яқун топмаган. Бегоналаштирилиш давом эттирилган: қаҳрамоннинг ички дунёсида ҳам уни ўзидан тўсайтган девор қад кўтара бошлаган. Таъбир жоиз бўлса, иккинчи даражали бегоналаштирилиш содир бўлган.

Ёзувчининг эркинлик руҳи сингдирилган романлари драматургия асарлари услубида битилган. Бу унинг фикрича, адиб, энг аввало, инсоннинг ҳиссиётига таъсир кўрсатиши, қаламга олаётган воқеалари қалбда акс садо уйғотиши, шундан кейингина онгни жумбишга келтириши керак. Кўп жиҳатдан шу сабабли Кобо Абэнинг эътиборини ёшлигидан ихлос қўйган Франц Кафка билан бир қаторда немис мутафаккири, адабиёт бўйича 1981 йилги Нобель мукофотининг лауреати Элиас Канеттининг ижоди ўзига жалб этган. Айни пайтда дўсти Донольд Киннинг тавсияси бўйича колумбиялик ёзувчи Габриэль Гарсия Маркес асарлари билан танишган. Канетти ва Маркеснинг асарлари уни шу қадар ларзага солганки, Абэ бу ёзувчиларнинг Япониядаги энг оташин тарғиботчисига айланган.

Кобо Абэ асарларида инсоният олдида турган энг ўткир муаммолар кўтарилган. Унинг романларининг асосий ғояси – шахс ва жамият ўртасидаги зиддият, инсоннинг ҳаёт воқелиги олдидаги иложсизлиги, тақдир зарбаларига бардошлилигини синовдан ўтказишдир. Муаллиф ўз қаҳрамонларини оддий одамлар, айни пайтда ниҳоятда бетакрор шахслар сифатида гавдалантирган.

Ёзувчининг бадиий тасавури ҳам ноёб. У асарлари моҳиятидан келиб чиққан ҳолда қаҳрамонларининг инсоний қиёфасини

кутилмаган янги шаклларда тасвирлаб, уларнинг ички дунёсини ўзига хос тарзда очиб бериш истеъдодига эга. “Қумдаги аёл” романидаги Ники Дюзмпэем, “Бегона юз”даги ниқобли одам, “Ёқиб юборилган харита”даги изкувар, “Одам-кути”даги одам-кути турли сабабларга кўра одатий кўринишларини ўзгартирган бўлсалар ҳам, ўзлигини сақлашга астойдил ҳаракат қилишади, бироқ ҳаммаша ҳам омад улар томонида бўлмайди.

“Қумдаги аёл” 1963 йилда Япониянинг Йомиури мукофотига, 1968 йилда Францияда чет эллик муаллифга энг буюк бадий асар учун бериладиган мукофотга сазовор бўлган. Ушбу роман асосида режиссёр Х.Тэсигахара томонидан яратилган “Қумдаги аёл” кинофильмига Канн халқаро кинофестивалининг энг яхши чет эл тилидаги фильм мукофоти берилган, у Ўзбекистонда ҳам намойиш этилган. “Қумдаги аёл” моҳир таржимон Ваҳоб Рўзиматов томонидан ўзбек тилига ўгирилган.

Даврга ҳамоҳанглик – Кобо Абэ ижодининг энг муҳим белгиларидан бири. Масалан, “Бегона юз” асари, бир қарашда, фожиа оқибатида ўз юзини йўқотган инсоннинг тақдири тўғрисидаги роман сифатида тасаввур этилади. Лабораторияда портлаш содир бўлиши асар қаҳрамонининг юзини бадбашара қилиб қўяди. У эндиликда бу даҳшатли жароҳатлари сабабли одамлар орасида кўрина олмаслигига ишончи комил. Яъни у ёлғизликка маҳкум этилган. Роман қаҳрамони ўз тақдирига тан бермайди, қандай бўлса ҳам инсоний қиёфасини тиклашга уринади. Бунинг йўли битта – ўрадек из қолдирган жароҳатларни ниқоб билан яшириш. Юз – одамлар ўртасидаги сўқмоқ йўл. Кобо Абэнинг нуқтаи назари шундай. Бу йўлнинг йўқотилиши одамнинг қамоқхонанинг бир кишилиқ каталагига текиб қўйилгани билан баробар. Одам чеҳрасига шундай қараш ниқобга мутлақо ўзгача маъно беради.

Адибнинг мазкур романи асосида яратилган фильм экранларга чиққач, танқидчилар асосли равишда “юзи даҳшатли жароҳатланган одам Япониянинг уруш ҳалокати оқибатидаги чандиқлари рамзидек тасаввур этилади. Шу тариқа ёзувчи жаҳонда, шу жумладан, Японияда инсоннинг ўзлиги ва унинг дунёдаги ўрни хусусидаги жўшқин баҳсда ўз сўзини айтган”, деб қайд қилишган.



Bu tanishuv parchasidir. Asarning to'liq versiyasi
<https://kitobxon.com/oz/asar/4656> saytida.

Бу танишув парчасидир. Асарнинг тўлиқ версияси
<https://kitobxon.com/uz/asar/4656> сайтида.

Это был ознакомительный отрывок. Полную версию можно
найти на сайте <https://kitobxon.com/ru/asar/4656>